

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА 5-6 ЁШЛИ БОЛАЖОНЛАРГА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИНИ ШЕЪРИЙ ТОПИШМОҚЛАР ОРҚАЛИ ТОПИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Назаров Хайдарали Эшонқулович,**  
ЖДПИ санъатшунослик факультети  
Муסיқа таълими кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ўзбек миллий муסיқа чолғуларини шеърий топишмоқлар орқали кўрсата олиш муסיқа чолғуларини ушлаш ва ижро этиш ҳолатларини ифодалаш

**Аннотация:** Уметь через поэтические загадки показать узбекские национальные музыкальные инструменты, рассказать о случаях владения музыкальными инструментами и игры на них.


**Annotation:** To be able to show Uzbek national musical instruments through poetic riddles. To express the cases of holding and playing musical instruments.

**Калит сўзлари:** мезроб, даста, тизим, тилча, пуфлама, соз, асбоб.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёвнинг 2019 йил 19 март санасидаги 5 ташаббуснинг биринчисида «Ёшларнинг муסיқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг» бошқа турларига кизиқишларини оширишга истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиладиган тадбирлага жавобан биз мутахасис ишчи ходимлар барча илмий ва амалий билимларимизни ва эътиборимизни келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимиз яъни бола боғчаларида тарбияланаётган жажжи фарзандларимизга қаратиш лозим деб ўйлайман. Ўзбек халқимизда ажойиб бир мақол бор «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган ҳарф» каби болалар онгида муҳрланиб қолади.

Ушбу мақолани ёзишимиздан мақсад келажақда болаларимиз миллий муסיқа санъатимизда қадимдан устозлар томонидан ижро этиб келинаётган муסיқа чолғуларимизни овозларини эшитиб суръатларини кўриб кизиқарли топишмоқлар орқали уларнинг шўх ва мунгли овозлари бола психологиясига ижобий таъсир этишни таъминлаш. Ҳозирги тезкор ривожланиш даврида барча соҳалар каби муסיқа санъати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Аммо минг афсуслар бўлсин ким бола боғчаларида айрим умумтаълим мактабларимизнинг бошлағич синфларида ўтказилаётган муסיқа машғулотларидан фарзандларимиз ўзбек миллий чолғуларини танишмайди. Сабаби юқорида кўрсатилган ўқиш муассасаларида чолғулар ўрнига ҳар хил овоз кучайтирувчи мосламалар орқали миллатимизга хос бўлмаган турли ажнабий чет эл оҳанглари болаларимиз онгига сингдирилиб келмоқда буни

биз боғчаларда ўтқазилаётган тадбирларда учратишимиз мумкин. Бундай салбий оқибатлар ўзбек халқи фарзандларини ёшлигиданоқ ўзларининг миллий куй-кўшиқлари мусиқа чолғуларида ижро қилинган мусиқа асарларидан узоқлаштирмоқда. Биз бу мақоламиз орқали болаларга машғулотлар давомида ўзбек халқ мусиқа чолғуларининг суръатларини ҳамда шу мусиқа чолғуси ҳақида қисқа-қисқа топишмоқлар орқали чолғулар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтамыз. Шундагина болаларимиз доира чолғусини кўрганда дўмбира дейишмайди. Рубоб чолғусини кўрганда дутор дейишмайди. Албатта ушбу ҳаракатлар фақат илм даргоҳларидагина эмас барчамиз маъсулмиз деб ўйлайман.




Гир айлана атрофи  
Халқаларга тўладир  
Бак-бака бум товуши  
Раққосларга жўрадир

Танасин қиздирсангиз  
Жаранглайди овози  
Айтингчи болажонлар  
Бу қайси чолғу сози




Овози жуда майин  
Тори икки айтайин  
Қорни бор бироз катта  
Қулоғи фақат иккита

Бармоқ билан чалинар  
Уни кукна соз дерлар  
Топингчи болажонлар  
Буни қайси соз дерлар



Тоғу тош адирлардан  
Келар мунгли овози  
Ўзи оддий қамишдан  
Чўпон бобо сирдоши  
Топингчи болажонлар  
Бу қандайин соз ўзи



Бир жуфт эгизак ўртоқлар

Гоҳида ур тўқмоқлар

Чорлайди элни ошга

Ёқади кекса ёшга

Топингчи болажонлар

Бу қайси чолғу сози



75 та унинг тори


2 та таёқча ёри

3 та оёғи бордир


Оёғида кулоғи

Топинглар унинг номин


Қайси чолғу бу сози



. Косаси бор чукурча  
 Бош тарафи учкурча  
 Беш торни ушлаб турар  
 Кулоқлари бир мунча  
 Шохи харраги 2 та  
 Тери қоплама 1 та  
 Мезроб билан чертганда  
 Оҳанг берар юз мингта  
 Топинглар болажонлар  
 Бу қайси чолғу сози




Дастасида 4 кулоқ  
 4 та тор унга хамроҳ  
 Тиззага қўйиб уни  
 Камонни олиб қўлга  
 Ишқалар уни торга  
 Тингловчини ўйлатар  
 Айтинг уни ким топар



Ўтмишни эслатади  
Мозийдан сўзлатади  
Нохун тегса торига  
Мақомни куйлатади  
Айтингчи болажонлар  
Бу қайси чоғу сози



Уни пуфлар ўзбек, тожик халқлари  
Тешикларин беркитар бармоқлари  
Гоҳ карнайга гоҳ кушнайга ҳамоҳанг  
Жусасидан овози баланд қаранг  
Овозини эшитиб топар кимдир  
Бу қайси соз топингчи болажонлар



Azamot Ergashev (noy)  
Ziyodjon Changiy (chang, qonuz)  
Shavkat Matyoqubov (qo'shnoy, bulamuz)  
Husniddin Alo (od)

Қамишдандур танаси  
Ёнма ёндур хонаси  
Тили бор жуда кичик  
Бурунчаси сал пучук  
Еттитадур тешиги  
Хеч жойда йўқ эшиги  
Айтингчи болажонлар  
Бу қайси чолғу сози



Туй байрамга чорлайди  
Овози паст бўлмади  
Созларнинг энг узун  
Мисдан бўлар тизини  
Қайси соз бу ким айтар  
Томоқда овозин қайтар.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М. Мирзиёвнинг 2019 йил 19 мартдаги 5 ташаббуси.

2. Левиёв А.Х. Ўзбек халқ чолғуларига ижрочилик. Тош. "Меҳнат" нашриёти 2001

3. Норқўзиёв М. Мутахассислик Тош. 2018 "Иқтисод- молия"

Bobolov O.

Norbo'layeva X.

Garin Jabbari :

Yig'ilib ko'ribadi: